

Бадиий Телевидениенинг Ижровий Жанрлари, Уларнинг Ўзаро Ўхшаш Ва Фарқли Жиҳатлари

Севара Бекмурадова¹

Аннотация: Телевидение вужудга келиб, у тарақкий этгани сари унинг жанрлари ҳам кенгайиб борди. Шу боис бу санъат турида “бадиий телевидение” тушунчаси пайдо бўлди. Ушбу мақола ўзбек бадиий телевидениеси, ундаги ижровий жанрларнинг вужудга келиши, жанрларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ўрганиш ҳақида.

Калит сўзлар: бадиий телевидение, телеспектакль, видеоспектакль, фильм, видеофильм, телесериал, адабий асар, экранлаштириш, услуга.

Ўтган асрнинг 70-90-йиллари телевидениеда турли жанрларнинг вужудга келганинига ва уларнинг шаклланиши натижасида телеспектаклнинг видеофильмга айланиши жараёнларида ортирилган тажрибаларнинг сўнгги босқичи сифатида бу фильмлар нафақат тасвирий ечим уюштириш, балки режиссура ва операторлик йўналишида ҳам бадиий-эмоционал тасвир уюштириш, натура ва павильёнда тасвирга тушириш ўзаро муносабатлари принциплари, турфа монтаж усуллари, ижродаги актёр – натура – павильён – камера муносабатлари каби ютуклари билан ажralиб туради.

Видеофильм, фильм (телевизион фильм) - айнан телевидение учун мўлжалланган бадиий фильм. Видеофильм яратишида телевидениенинг техник имкониятлари ва телетомошибинларнинг телевизор экранидаги тасвирни қабул қилишлари мухим рол ўйнайди. Телевизион фильмлар одатда кетма-кет икки ёки ундан ортиқ қисмдан иборат бўлиб, улар турли вақтларда - серияли намойиш этилган. Кўп қисмли телефильмларни "телесериал" деб атап қабул қилинган. Инглиз тилида эса кўп серияли бўлмаган телефильмларни "мини-сериал" деб аталади.

Теле ва видеофильмларни суратга олиш технологияси ва усуллари турлича. Телефильмни бир нечта камералар билан плёнкага олиш мумкин. Видеофильм видеокамералар ёрдамида суратга олинади, суратга олиш майдонидаги уларнинг сони сюжет хусусиятига боғлиқ бўлади. Бу ҳар иккала фильм тури, энг аввало, телевидениеда намойиш этишига мўлжалланланади. Кинофильмдан (кatta экран учун фильм) фарқли видеофильмда сўздан кенг фойдаланиш ўзига ҳос хусусият хисобланади. Диалог, монолог ҳажми жиҳатидан катта бўлиши мумкин ва улар кўпроқ йирик ёки ўрта планда суратга олинади.

“Телеспектаклнинг видеофильмга “айланишида” телетасвир уюштириш усуллари киношакл усуллари билан бойитилди. Лекин бу видеофильм (кейинчалик форматнинг янада кенгайиши сабаб “телесериал” деб юритилди) кинофильм билан рақобатлашувчи ёки унинг ўрнини босувчи шакл дегани эмас, у ўзига ҳос, замонавий технологиилар билан таъминланган специфик телевизион жанр бўлиб, у телекран орқали томошага мўлжалланган. Агар кинофильмда бир камерали, телеспектаклда кўпкамерали тасвирга тушириш усуллари кўлланилса, видеофильмда (телесериал) ҳар иккала усул имкониятларидан оптималь фойдаланилади. Тасвир занжирига кирувчи мизанкадр, мизансахна, эпизодлар монтаж усуллари ҳам кинофильм ва телеспектакль монтаж қурилмаларини уюштиришдаги каби шаклда амалга оширилади.

Видеофильм монтаж занжирини уюштириш асосан телесъёмка шаклида – кўпкамерали, яъни эпизодма-эпизод тасвирга тушириш усулига мурожаат этилди. Бу технология таннархининг қимматлиги, ҳарбир эпизод мизансахналари ўзига ҳос бўлакларга бўлинib, планма-план тасвирга туширишга йўналтириди. Яъни, видеофильм монтаж занжирини уюштириш телетехник имкониятларнинг такомиллашуви сабаб бир камерали съёмка шакли мураккаблашиб, киноусулга (кадрма-кадр) яқинлашди. Натижада “Телеспектакль” жанри эволюциясини давом эттириб, видеоёзув фаолиятга кириши сабаб “Видеоспектакль” (1970-80-й.й) шаклига кирди. 1990-й.й. бошларида мураккаб монтаж усулларининг кўлланилиши “Видеофильм”, иккинчи ярмида эса “Телесериал” жанрларининг фаолиятига йўл очди”.

“Телефильмларнинг бадиий кино томон силжиши - жаҳонда телевидение соҳасида олға ташланган қадам бўлди. Турли туман усуллар пайдо бўла бошлади. “Телевизион экран учун кино ишлаганди, - дейди Д.Понтекорова, - катта шартлилик ва хақиқатпарастлик билан тасвирга олиш керак, кейинчалик шулар бош белгилар бўлиб қолади ҳамда кичрайтирилганлик хиссиятни билинтиrmайди”.

“Телеспектакль декорациясидан фарқли ўларок видеофильм, кейинчалик сериаллар учун безак яратишида фильм тасвирий ечими тизимида натуранинг киритилиши рассомни натурани ўзлаштириш ва декорациянинг реал киёфага

¹ Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси

эга бўлишига урғу беришга йўналтириди. Бу фаолият бир томондан декорацияни реал натура кўриниши билан уйғунлаштиришдан иборат бўлса, бошқа томондан айрим ҳолларда асар жанрининг талаби сабаб натурани шу жанрга мос тасвирий ечимга мослашдан иборат бўлди”.

Режиссёrlар 1970-йилларнинг иккинчи ярми, 80-йилларда видеофильмлар яратишида телеспектаклнинг йирик планлар мўллиги, узоқ монтаж планлари, бадиий ёритиш хусусиятлари каби усусларини сақлаган ҳолда асосан кинематографик усусларга мурожаат этишиди.

Ўзбек телевидениесида ҳам миллый асарларга йўғрилган видеофильмларнинг вужудга келиши узоқ муддат талаб қилмади. Мехнаткаш муаллиф ва режиссёrlар ўз тажрибалари ва маҳоратларидан келиб чиқиб, ўша даврда яратилаётган телеспектакллар замирида видеофильм жанрида асарлар яратишига киришишди. Бу борада кўплаб теле ижодкорларнинг рўйхатларини келтириш мумкин, аммо улар орасида биринчи ўзбек телевизион фильмининг асосчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Маҳкам Муҳаммедовнинг Ўзбекистон миллый телерадиокомпаниясидаги эллик йиллик меҳнат фаолияти давомида кўплаб муваффақиятли асарлар яратиб, ўзбек телевидениеси тараққиётига кўшган хиссаси алоҳида таҳсинга сазовор.

Режиссёр Маҳкам Муҳаммедов адаб Ойбекнинг “Қутлуг қон” романини 1977-йилда экранлаштириб, тасвирини кинофильм талабларига яқинлаштиришга эришиди. Натижада янги жанр – видеофильм ўз тарихий эволюцияси жараёнини бошлади. Бу амалиётни кейинчалик режиссёр Мақсад Юнусов “Бобур” (1990 йил), “Лайли ва Мажнун” (1991 йил), “Кечава кундуз” (1993 йил), “Ич кӯёв” (1988 йил), режиссёр Ҳайбат Алиев “Сўнгги ўқ” (1994 йил), Маҳкам Муҳаммедов “Қўшчинор чироқлари” (1988 йил), “Мозийдан бир сахифа” (1995 йил) сингари видеофильмлари билан давом эттишиди.

Ўзбек адабиётида халқимизнинг фаҳр-у ифтихорига айланган тарихий сиймолар ҳаёти ва фаолияти ёритилган асарлар унчалик кўп эмас. Шу боис ҳам ижодкорларимиз ҳар бир тарихий асарга кўл уриш баробарида халқимиз ўтмишининг номаълум сахифаларини кидириб топиш маъсулитини зиммаларига олишга мажбурдирлар. Ўзбекистон телевидениесида “Юлдузли тунлар”га қадар ҳам тарихий асарлар муваффақият билан ёритилиб, етарлича тажриба тўпланганди.

Республикамида хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг соҳиби Мақсад Юнусов ушбу видеофильмини тайёрлаш жараёнида асарнинг тарихийлиги ва аслиятига зарар етказмасликка эришиди. Энг муҳими – асарнинг бетимсол қадимий тили сақлаб қолинди.

1990 йилда суратга олинган ушбу 10 қисмли видеофильм ўзбек телевидениеси тарихида илк маротаба чет эллик ижодкорларда қизиқиш уйғотган видеофильм ҳисобланади.

Мазкур видеофильм сценарийси ёзилганидан то эфир юзини кўргунча асар муаллифлари жуда кўп қийинчиликларни бошдан кечиришган. Сценарий 1984 йилда тайёр бўлган бўлсада, ўша даврда баъзи бир тўсикларга учраб, 1990 йилга келибгина уни амалга ошириш имконияти туғилган.

Видеофильмдаги бош қаҳрамон Бобур образини талқин этадиган актёрни танлашда ҳам Мақсад Юнусов ўзига ҳос йўл тутган. У ўша пайдаги машҳур театр актёрларини эмас, эндиғина соҳага кириб келган ёш ижодкорни танлаган. Бош рол ижрочиси Муҳаммадали Абдукундузов бу ҳақда шундай хотирлайди: “Сурхандарё вилоят театрида 40 дан ортиқ роль ўйнадим. Лекин тарихий шахслар сиймосини бирор марта ҳам яратмаган эдим. Бунинг устига кино ва телевидениеда роль ўйнамагандим. Шу боис Мақсад Юнусов менга бош қаҳрамон Бобур образини топшириб, чинакам жасорат кўрсатди, - деб ўйлайман”.

Видеофильмда акс эттирилган давр руҳиятига мос мусиқалар ва улуг шоир асарларининг хушовоз хонандалар томонидан ижро этилиши тасвириларни янада бойитиб, таъсирчанлигини оширган. Бу ўринда бастакор Ўлмас Расуловнинг хизмати таҳсинга лойикдир.

Ушбу видеофильмнинг яратилиши соҳа ижодкорлари, хусусан рассомлар фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Асарнинг тасвирий ечимини яратишида ижодкорлар эски анъаналардан воз кечиб, янги усусларни олиб киришиди.

“Айнан шу даврда рассом томонидан драматургияни интерпретация қилиш – телеасарда унинг нигоҳий – тасвирий ифодасини яратиш кўзга кўрина бошлади. Бу ҳол тасвирий режиссуранинг телевидениедаги илк белгилари эди.

Бу даврда телевидениеда кино санъатидан монтаж ва мизанкадр уюштириш принсиплари ижодий ўзлаштирилди. “Бобур” видеофильми яратилишида шаклланган топилмалар замонавий телесериаллар яратишида мухим аҳамият қасб этди”.

Киношунос Ҳамидулла Акбаров “Бобур” видеофильми ҳақида куйидагиларни ёзади: “Миллионлар эътиборига ҳавола этилган видеофильмнинг аҳамияти ҳақида ўйлаганимизда, у кўпдан кўп ўзбек китобларига экранда иккинчи умр бериш учун имконият борлигини кўрсатади. Айниқса, қатағон килиниб, асарлари тазийик остида бўлган адиларимизнинг асарларига (Чўлпоннинг “Кечава кундуз” романини эслаб ўтайлик) мурожаат этиб киностудиялар амалга ошира олмайдиган ишга киришиш зарурлигини ўн сериялик “Бобур” видеофильми эслатди.

Дастлабки кадрларда танланган кийим-кечаклар, ижрочиларнинг ташки қўриниши, имо-ишораси барчамизга маълум бўлган миниатюраларни эслатди. Шунда биз мусаввир танлаган нафис бўёклар, эстетик шакллар бизга завқ берибгина қолмай янги, мустақил бадиий асар яратишига кўмаклашганидан хурсанд бўлдик. Дарҳақиқат,

“Бобурнома”га ишланган кўпдан-кўп жажжи расмларни мазкур насрий асарнинг таркибий қисми сифатида қабул қилиш мумкин.

Фильм ижодкорлари ҳам, мусаввирлар ҳам Бобур таърифидан келиб чиқанини, адаб изидан бориб, унинг хикоясини бир-бирига узвий боғлаган расмларда ҳам акс эттирганини кўрамиз.

Шу боисдан миниатюра, грим ва либос танлашда, ижрочиларнинг ҳаракатини белгилашда, мизансахналарни аниклашда жуда қўл келганини мамнуният билан қайд қиласиз...”. “Алгул ёхуд Мирзо Улугбек”, “Навоий”, “Бобур” каби телеасарларнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, улар телевидение табиатига хос, томошабинни муайян давр ичida ўзига узлуксиз жалб эта олувчи кўпкисмли фильмлар яратади олиш имкониятларини кўрсатди. Бу эса келажақда ўзбек телеэкранларида телесериаллар яратишда ўзига хос мактаб бўлиб хизмат килди.

Шу сабаб замонавий ўзбек телесериаллари замирида мазкур видеофильмлар яратилиши жараённида шаклланган монтаж усуллари, режиссура, шунга хос ижро каби бадиий усул, мизанкадр уюштиришнинг композицион, пластик ва колористик шакл, шунингдек тасвирий ечимнинг янги киёфа ва услублари сезилиши бежиз эмас.

Умуман олганда, юқорида келтирилган телеасарлар, теле ва видеоспектакллар, видеофильмлар юртимиз эришган мустақиллик йилларида яратилган, ўзбек телесанъати тараққиётида алоҳида муҳим аҳамиятли асарлар саналади. Ушбу асарларнинг яратилишига ҳисса кўшган барча ижодкорлар ўзбек бадиий телевидениеси тарихида орттирилган тажриба ва кўникумаларга таянишди.

Бу ҳолатдан шундай хуносага келиш мумкинки, тажриба ва кўникум ижод оламида ҳамиша энг муҳим омил саналиб, соҳанинг ёш авлод вакилларини тарбиялашда малакали мутахассисларнинг билим ва кўникумларидан фойдаланиш ҳамиша ўзини оқлаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси конунлари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.
3. Ўтаев Ў. Телевидение – давр кўзгуси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
4. Мухаммедов М., Файзиева Ф., Абляева В. Телевидение асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллый энциклопедияси”, 2008.
5. Расулов С. Кино ва ТВда бадиий безак. Биринчи китоб. Рассомлик маҳорати. Кино-телетасвир композицияси ва режиссура. – Т.: “НАВРЎЗ”, 2018.
6. Расулов С. Кино ва ТВда бадиий безак. Иккинчи китоб. Тасвирий ечим. – Т.: “НАВРЎЗ”, 2017.
7. Расулов С. Экран санъатида тасвирий ечим ва унинг асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллый энциклопедияси”, 2008.
8. Фаниева Э. Экранга чиккан асарлар // Шарқ юлдузи. – Тошкент. 2015. – №1.
9. <https://www.mtrk.uz> (Ўзбекистон Миллый телерадиокомпанияси).